ФАРҒОНАДА БАРЧА МАҲАЛЛАЛАР ОБОДОНЛАШТИРИШ ҲАМДА ТОЗАЛАШ ИШЛАРИ УЧУН ҚЎЗҒАЛИШИ ШАРТ!

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Фарғона шаҳридаги маҳаллаларда бўлиб, аҳоли яшаш шароитлари ҳамда ҳудудлардаги шаҳарсозлик фаолияти ва инфратузилмалар ҳолатини ўрганди.

Шаҳарнинг Ифтихор маҳалласида бўлган вилоят раҳбари, МФЙ ҳудудининг қаровсизлиги, аксарият уйлар олдида уюлган ёки сочилган маиший чиқиндилар борлиги, кўкаламзорлаштириш ишларининг йўлга қўйилмаганлиги, дарахтларнинг оқланмаганлиги, аҳолининг ўз уйи атрофидаги ариқларни тозалаб қўйишга ҳам ҳафсала қилмаганига шаҳар ҳокими ва секторлари раҳбарларининг эътиборини қаратди. Вилоят раҳбари, Фарғона шаҳридаги барча маҳаллаларда ёппасига ободонлаштириш ҳамда тозалаш ишлари ташкил этиш, бунинг учун маҳаллаларда яшовчиларни жалб этиш кераклигига урғу берди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-02-17 10:14:32